



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета




## ТАБИАТНИ ХАФА ҚИЛМАЙМИЗ!

Дам олиш кунлари невараларим билан анъанавий “Майса сайли”га бориб, бир йўла “Қизғалдоқ сайли”ни ҳам ўтказиб келдик. Аслида ҳар йили март охири, апрель бошида Зомин адирларига чиқиб, “Майса сайли” қилар эдик. Сўнгра 15-20 кун ўтказиб, қизғалдоқзор томошасига чиқар эдик. Бу йил кечикдик чоғи, қир-адирлар этагидаги ерларга қизғалдоқлар аллақачон қизил гиламини ёйибди. Невараларим чунон яйради. Қир устига гилам тушаб, дастурхон ёздик. Ҳаво ҳам ажойиб, аввалги кунлардек исиб кетмади, булутли, салқин ва шабадали бўлди.

Кетишда дам олган жойимизда ҳеч бир чиқинди қолдирмаслик бўйича болаларга насиҳат қилдим ва шу аснода кичик набирам Мухлисахоннинг таклифи билан: “Биз — табиатни хафа қилмаймиз!” деган гапни ўзимизга шиор ҳам қилиб олдик. Ҳа, табиат бизга шунчалар завқ-шавқ, хурсандчилик, шодонлик беряптими, демак, биз ҳам уни хафа қилмаслигимиз керак.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,  
журналист



Бугуннинг гапи

## ИНТЕРНЕТДА ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ?

Ҳисоҳ



Париждан — Тошкентга:

# 150

IPU ASSEMBLY  
Tashkent, Uzbekistan 5-9 April 2025

## ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА АДОЛАТ УЧУН ПАРЛАМЕНТ ҲАРАКАТИ

Бундан 136 йил муқаддам — 1889 йилда Франциянинг Париж шаҳрида дунёдаги биринчи кўп томонлама сиёсий ташкилот сифатида тузилган Парламентлараро Иттифоқнинг 150 йиллик юбилей Ассамблеясига Тошкент шаҳри мезбонлик қилди.

Дунё ҳамжамиятининг нигоҳи Ўзбекистонга қаратилган, Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси Президентимиз таклифига асосан Ўзбекистонда ўтказилди. Бу муҳим тарихий воқеалиқдир, чунки бундай тадбир Марказий Осиё минтақасида илк мартаба ўтказилди.

Маълумки, 190 га яқин мамлакатлар парламентини бирлаштириб келаётган Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеяси йилда 2 мартаба, парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий тажрибаси юқори бўлган мамлакатлардагина ўтказилади.

Давоми 2-саҳифада

Париждан – Тошкентга:

ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА  
АДОЛАТ УЧУН ПАРЛАМЕНТ ҲАРАКАТИ

(Боши 1-саҳифада)

Тадбирнинг нуфузи йилдан-йилга ўсиб бормоқда, хусусан, 2022 йилда Руанданинг Кигали шаҳрида бўлиб ўтган 145-ассамблеяда аъзо давлатлардан мингдан ортиқ делегат қатнашган бўлса, жорий ассамблеяда қарийб икки баробар кўп, яъни 140 га яқин мамлакатдан 2 мингдан ортиқ делегатлар иштирок этишди.

Ўзбекистоннинг Парламентлараро Иттифоққа аъзолиги 2017 йилда қайта тикланган бўлса-да, ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиз парламентаризм ва барқарор ривожланиш соҳасида жуда катта тажрибага эришди. Миллий парламентаризмни ривожлантириш соҳасидаги ютуқларимиз йирик халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар томонидан эътироф этилмоқда.

Эътибор қаратилса, кейинги 4 йилда Парламент фаолияти билан боғлиқ учинчи халқаро тадбирга мамлакатимиз мезбонлик қилди. Дастлаб 2021 йил 23-24 июнь кунлари Бухоро шаҳрида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик халқаро форуми ўтказилган бўлса, орадан 1 йил ўтиб 2022 йил 8-9 сентябрь кунлари Парламентлараро иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити Тошкент шаҳрида ўтказилиб, саммитда 17 давлатдан 120 дан ортиқ парламент вакиллари иштирок этган эди.

Мазкур 150-ассамблеянинг асосий мавзуси “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” деб номланиб, унинг доирасида бутун дунё парламентлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, Ассамблея давомида Парламентлараро иттифоқнинг қўмиталари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, илм-фан ва технология, ёшлар масалаларига бағишланган турли тадбирлар ташкил этилди. Бундай кенг қамровли муҳокама ва мунозаралардан шундай умумий хулосага келиш мумкинки, бугун мазкур мақсадларга эришишда парламентлараро глобал



ҳамкорлик ниҳоятда муҳим. Парламент халқ вакиллиги экан, демек парламентлараро ҳамкорлик бу – халқлар, миллатлар ҳамкорлиги, бирдамлиги демакдир.

Мамлакатимизда ҳам кучли ва масъулиятли парламентни барпо этиш, самарали парламент дипломатиясини татбиқ қилиш учун кенг шароитлар яратилган. Айтилган пайтда миллий парламентимиз 100 га яқин хорижий ҳамкорлар билан яқин алоқалар ўрнатган. 80 та қўшма дўстлик гуруҳлари ва комиссиялари самарали ишляпти.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрнини оширишга қаратилган 20 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Айниқса, 2023 йили умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги Конституцияда парламент ваколатлари кескин оширилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенат ваколатлари эса 14 тадан 18 тага етказилди. Суд, коррупцияга қарши кураш ва рақобат органларини шакллантириш бўйича Президентнинг қатор ваколатлари қонун чиқарувчи ҳокимиятга ўтказилди. Парламентнинг Ҳукуматни шакллантиришдаги иштироки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан назорат механизмлари янада кучайтирилди.

Бу ўзгаришларга мос тарзда ҳудудларимизда ҳам халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ваколатлари кенгайтирилди. Жумладан, 30 дан ортиқ ваколатлар маҳаллий кенгашларга ўтказилди ва бу жараён изчил давом эттирилмоқда. Мазкур тадбирнинг яна бир аҳамияти шундаки, Тошкентда бўлиб ўтган 150-Ассамблеясида парламентарий

аёллар форуми ўзининг 40 йиллигини нишонлади.

1985 йилда норасмий глобал хотин-қизлар гуруҳи сифатида ташкил этилган мазкур форум кейинчалик Аёл-Парламентарийлар Форумига айланиб, бутун дунё бўйлаб аёл депутатлар учун кучли платформага айланди ҳамда гендер тенглиги ва хотин-қизлар ҳуқуқларини кенгайтиришда сезиларли ютуқларга эришди.

Хусусан, олиб борилган изчил ислохотлар натижасида Миллий парламентимизда ҳам хотин-қизларнинг улуши бугунги кунда 38 фоизга етди (10 йил олдин атиги 16 фоизни ташкил этар эди). Мазкур кўрсаткич Парламентлараро Иттифоқ томонидан юксак эътироф этилиб, Осиё минтақасида сўнгги ўттиз йилда энг юқори ўсиш сифатида баҳоланди.

Ўзбекистон парламент йўналишида глобал аҳамиятга молик бўлган қатор халқаро ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияси қабул қилинди.

Иттифоқ билан ҳамкорликда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ҳар икки йилда Парламентлараро глобал ҳамкорлик форуми ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон вакиллари Осиё Парламентлари Ассамблеяси, Марказий Осиё парламентлари форуми, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлар Ассамблеяси ва бошқа платформаларда фаол иштирок этмоқда.

Жаҳонда юз бераётган бугунги глобал ўзгаришлар ҳам Парламентлараро Иттифоқ ва миллий парламентлар олдида янгидан-янги вазифаларни қўймоқда.

Бугунги кунда вакиллик органларимиз Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя ва камбағалликни қисқартириш, гендер тенгликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича

ҳам ўз зиммасига катта масъулият олган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ушбу Ташкилотнинг тўлақонли аъзоси сифатида унинг барча тузилма ва форумлари ишида фаол иштирок этиб келмоқда. Глобал кун тартибидаги устувор йўналишлар бўйича сермахсул амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Президентимиз Ассамблеяда нутқ сўзлар экан, бир нечта ташаббусларни илгари сурдилар. Айниқса, Ёшлар парламентлари глобал платформасини ташкил этиш ва унинг таъсис форумини ҳамда камбағалликни қисқартиришга бағишланган халқаро конференцияни Ўзбекистонда ўтказиш, сунъий интеллект этикасини тартибга солиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Осиё хотин-қизларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар фаоллигини ошириш тўғрисида”ги резолюциясини қўллаб-қувватлаш бўйича ташаббуслар долзарблиги билан юқори аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Президентимиз ассамблеядаги нутқида ижтимоий тараққиёт ва адолат масаласига алоҳида эътибор қаратиб, жаҳондаги тенгсизлик, қашшоқлик ва таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлган болалар муаммоларини ҳам кўтарди. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги фаолиятининг муҳим жиҳатларига ҳам урғу бердилар, унда тинчликка ва тараққиётга интилиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга бўлган истак яққол сезилиб турди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган таклифлар ва ташаббуслар, шубҳасиз, мамлакатимиз ривожланишига, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, жаҳондаги мураккаб вазият, тинчликни сақлаш, экологик барқарорликни, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда парламентларнинг ролини янада ошириш дунё ҳамжамияти учун ҳар қачонгидан ҳам зарур масалалардан бири бўлиб қолаверади.

**Шерали МАМАДЕЦОЕВ,**  
Демократик жараёнларни таҳлил қилиш марказининг Сирдарё вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари



## Глобал ахборот тармоғи имкониятларининг кескин ошиши шахсий маълумотлар хавфсизлигига доир жиддий хавф-хатарларнинг ҳам кучайишига сабаб бўлмоқда.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши инсонлар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Онлайн платформалар, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар алоқа, бизнес, таълим ва кўнгилочар воситалари сифатида кундалик ҳаёти-мизнинг ажралмас қисмига айлан-ди. Бирок, бу имкониятлардан ким қандай мақсадда фойдаланиши ҳам масаланинг муҳим жиҳати ҳисоб-ланади. Хусусан, Интернет глобал ахборот тармоғи имкониятларининг кескин ошиши шахсий маълумотлар хавфсизлигига доир жиддий хавф-хатарларнинг ҳам кучайишига сабаб бўлмоқда. Интернет орқали шахсий маълумотларнинг ноқонуний тарқатилиши, товламачилик ва бошқа жиний ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатларнинг ортиши нафақат фуқаролар, балки давлат органлари учун ҳам долзарб масалага айланди.

Масалан, 2022 йили юз берган бир жиноят иши шахсий маълумотлардан ноқонуний фойдаланишнинг оқибатларини кўрсатади. Ш.Ф. “Telegram” мессенжериди “HELLO TASHKENT, SALAM TASHKENT” номли канал орқали бошқа бир фуқаронинг шахсий фотосуратларини эълон қилган. Бундан хабардор бўлган жабрланувчи канал юритувчилари билан боғланиб, улардан бири билан ёзишма олиб борган. Бирок, Ш.Ф. ушбу суратларни тарқатмаслик эвазига 1 млн сўм талаб қилиб, товламачилик йўли билан ушбу суммани иккига бўлиб, 500 минг сўмдан банк пластик картасига ўтказиб олган. Суднинг ҳукми билан Ш.Ф.га озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

2024 йили содир бўлган яна бир жиноятга кўра, фуқаро С.А. аёлнинг яланғоч ҳолдаги видео тасвирини унинг розилигисиз “Телеграм” мессенжериди тарқатган. Суднинг қарори билан С.А.га маъмурий жарима қўлланган.

2024 йили сирдарёлик Ш.Қ. эса бошқа кишининг хабарисиз, унинг шахсига доир (биометрик) маълумотларидан фойдаланиб, 150 млн сўм кредит олган ва пул маблағларини ўз эҳтиёжи йўлида ишлатиб юборган. Суд ҳукми билан Ш.Қ.га озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Куни кеча эълон қилинган хабарга кўра, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот технологиялари соҳасида жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда бир гуруҳ шахслар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган уйлардан бирини ижарага олиб, “Call markaz”



## ИНТЕРНЕТДА ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ?

фаолиятини йўлга қўйишгани аниқланди. Улар фуқароларга сохта кўнғироклар орқали фирибгарлик йўли билан уларни алдаб, мол-мулкларини талон-тарож қилиш билан шуғулланиб келишган. Ушбу жиний гуруҳда 2 нафар ташкилотчи, 20 нафарга яқин оператор қўлга олинган. Тадбир давомида улардан 15 минг нафардан ортиқ инсонларнинг шахсий маълумотлари, кўплаб пластик карталар, гиёҳвандлик моддалари ашёвий далил сифатида олинган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатирилган.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шубҳасиз, бу каби ҳолатлар шахсий маълумотларнинг ноқонуний тарқатилиши, шантаж, товламачилик каби жиноятларнинг Интернет орқали қандай осон амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатади ва ўз навбатида, фуқароларнинг хавфсизлиги ва махфийлигига жиддий таҳдид солмоқда.

Қайд этиш керакки, бу борада чиқарилган ҳукмлар шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва Интернетдаги ноқонуний ҳаракатларга қарши курашишда давлатнинг катъий позициясини кўрсатади.

Ўзбекистон қонунчилигида шахсий маълумотларни ноқонуний тарқатиш ва ундан жиний мақсадларда фойдаланиш учун қаттиқ жазо чоралари назарда тутилган бўлиб, бу фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Интернетда шахсий маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун нафақат қонунчилик чоралари, балки фуқароларнинг эҳтиёткорлиги ҳам муҳимдир. Афсуски, кўпчилигимиз юқоридаги каби

ҳолатларга дуч келганда, ўзбекчилигимизга бориб, истиҳола қилиб, ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилмаймиз. Бу эса ушбу турдаги жиноятларни содир этган шахслар учун айна муддао бўлмоқда ва уларнинг “фаолияти” гуллаб-яшнамоқда. Шунинг учун ҳам мессенжер ва ижтимоий тармоқларда шахсий маълумотларни улашишда эҳтиёт бўлиш, ишончсиз манбаларга маълумот бермаслик ва киберхавфсизлик қоидаларига амал қилиш зарур.

Шу билан бирга, давлат ва хусусий секторда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича замонвий технологияларни жорий қилиш, киберхавфсизлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва аҳолининг бу борадаги саводхонлигини, билим

даражасини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, маълумотларни шифрлаш, икки факторли аутентификация ва бошқа хавфсизлик усуллари ҳақида кўпроқ тушунтириш олиб бориш ҳамда амалда бу усуллари кенгрок қўллаш керак.

Хулоса ўрнида айтганда, шахсий маълумотлар хавфсизлиги замонвий жамиятнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Юқоридаги мисолларга оид жиноят ишлари Интернетдаги хавф-хатарларнинг реаллигини ва уларга қарши курашишда қонунчиликнинг ролини очиб беради.

Назаримда, давлат органлари ҳам мазкур мумаммога қарши курашиш борасида шахсий маълумотлар доирасида қуйидаги масалаларга эътибор бериши зарур:

биринчидан, қонунчиликни такомиллаштириш, интернетда шахсий маълумотлардан фойдаланишни тартибга солувчи нормаларни янги технологияларга мослаштириш ва жиноятлар учун жазоларни янада катъийлаштириш;


иккинчидан, аҳолининг хабардорлигини ошириш, фуқароларни киберхавфсизлик бўйича ўқитиш ва уларнинг шахсий маълумотларни ҳимоя қилишдаги масъулиятини ошириш учун оммавий кампаниялар ташкил қилиш;

учинчидан, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларда ноқонуний фаолиятни аниқлаш учун доимий мониторинг тизимини кучайтириш ва тезкор жавоб бериш механизмларини ишлаб чиқиш.


Технологиялар ривожланиши билан бирга, давлат органлари шахсий маълумотларни ҳимоя қилишда фаол ва тизимли ёндашувни қўлласагина, фуқароларнинг махфийлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда ишонч ва барқарорликни мустаҳкамлайди.

**Маъмуржон ПАРШИЕВ,**  
**Ўзбекистон Журналистлар**  
**уюшмаси Бошқаруви аъзоси,**  
**Ахборот ва оммавий**  
**коммуникациялар агентлиги**  
**бўлим бошлиғи**

Ш.Ф.  
“Telegram”  
мессенжериди “HELLO TASHKENT, SALAM TASHKENT” номли канал орқали бошқа бир фуқаронинг шахсий фотосуратларини эълон қилган. Бундан хабардор бўлган жабрланувчи канал юритувчилари билан боғланиб, улардан бири билан ёзишма олиб борган. Бирок, Ш.Ф. ушбу суратларни тарқатмаслик эвазига 1 млн сўм талаб қилиб, товламачилик йўли билан ушбу суммани иккига бўлиб, 500 минг сўмдан банк пластик картасига ўтказиб олган.



# ИҚЛИМ ҲАМЖАМИЯТИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА МАСЪУЛЛИК ВА ДАХЛДОРЛИК



**Глобал иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш масалалари жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан, парламентларнинг бугунги кунда эътибор қаратаётган долзарб масалаларидан бирига айланди.**

Давлатимиз раҳбари Парламентларо Иттифоқнинг 150-ассамблеясида сўзлаган нутқида бу масалага тўхталиб, муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Албатта, Ассамблея доирасида ўтказилган “Парламент алоқаларини такомиллаштириш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича ҳаракатларни тарғиб қилиш” мавзусидаги семинар ҳам иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашиш бўйича мулоқот ўрнатиш ва парламентларо ҳамкорликни кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшади. Бу эса мамлакатимиз учун ўзаро манфаатли ҳаракатларни шакллантириш имкониятини яратди.

Мазкур семинарда Ўзбекистон вакили сифатида иштирок этиб, юртимизнинг бу борадаги тажрибаси, амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда парламентларо алоқаларни такомиллаштириш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича ҳаракатларни тарғиб қилиш юзасидан таклифлар билдирдик.

Таъкидлаш жоиз, яқинда Самарқандда бўлиб ўтган Халқаро Иқ-

лим форумида Марказий Осиё олдидан турган долзарб иқлим муаммолари муҳокама қилинди ва экологик барқарорлик, “яшил” иқтисодий таррақиёт ва иқлим ўзгаришига қарши курашишда минтақавий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Минтақа мамлакатлари томонидан Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига мослашиш стратегияси бир овоздан маъқулланди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар халқаро майдонда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 11 та резолюцияси қабул қилинди. Уларнинг аксарияти экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим муаммоларига бағишлангани эътиборга молик.

Шу билан бирга, парламент томонидан сўнгги йилларда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши бўйича ўндан ортик яхлит қонунлар ҳамда соҳага оид қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 30 га яқин қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида оид 6 та

стратегия ва концепциялар қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

2021 йилдан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бошланиб, ҳар йили 200 миллион кўчат экилиб, 2030 йилга бориб, яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш мақсад қилинган эътироф этиш керак.

Шунингдек, 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим Кенгаши ташкил этилди. Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича комиссияси тузилди. Бу эса иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларга парламент даражасида ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда биз томонимиздан парламентларо алоқаларини такомиллаштириш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича ҳаракатларни тарғиб қилиш ва уни халқаро платформаларда илгари суриш бўйича ягона позицияни ишлаб чиқиш масаласи ҳамда бу борада қуйидаги таклифлар илгари сурилди.

Иқлим ўзгариши масалалари бўйича парламентларо мулоқот платформасини яратиш, аъзо давлатларнинг илгор қонунчилик ташаббуслари, улар-

ни амалга ошириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича тажриба алмашиш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим хавфсизлиги масалалари бўйича тренинглар ва семинарлар ташкил этиш, парламентлар ҳузуридаги илмий муассасалар ҳамкорлигини йўлга қўйиш, қабул қилинадиган қонунларни экологизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш, иқлим ўзгариши бўйича қабул қилинган халқаро ҳужжатларга мамлакатлар қўшилишини тарғиб қилиш, иқлим масалалари юзасидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича парламент назоратига эътибор қаратиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда ўтказилган йирик мулоқот майдони — Парламентларо Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни, ижобий тажрибаларни минтақа ҳамда жаҳон мамлакатлари билан бўлишиш, ўртоқлашиш имкониятини бериш билан бир қаторда халқаро майдондаги имиджини янада юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Хайрулло ҒАФҒОРОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси

## ГЛОБАЛ БИРДАМЛИК

**Кўхна ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳри шу йил 4-5 апрель кунлари халқаро иқлим форумига мезбонлик қилди. Ушбу форум Марказий Осиё тарихидаги иқлим масаласига бағишланган илк тарихий воқеликка айланди.**

Бинобарин, у иқлим ўзгаришига қарши курашда Марказий Осиё давлатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган муҳим ва ўз вақтида ўтказилган ташаббусдир. Анжуманда жаҳон етакчилари, сиёсатчилар, экспертлар ва фаоллар Марказий Осиё ва дунё дуч келаётган долзарб иқлим муаммоларини муҳокама қилдилар.

Форумда асосий эътибор минтақавий ва халқаро ҳамкорликка қаратилди. Анжуман қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш, сув ресурсларини комплекс бошқариш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва барқарор шахар тараққиёти каби асосий йўналишлар бўйича эксперт панеллари, ялпи сессиялар ва сиёсий мулоқотларни қамраб олди.

Муҳокаманинг асосий мавзуларидан бири глобал миқёсдаги экологик ҳалокатнинг яққол намунаси бўлган Орол денгизи инқирозидир. Мутахассислар ва ҳукумат вакиллари зарар кўрган ҳудудларда ерларни тиклаш, чўлланишга қарши курашиш ва иқлим ўзгаришининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини камайтириш бўйича барча ечимларни кўриб чиқдилар.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг форумдаги нутқи Марказий Осиёда иқлим ўзгариши муаммоларини ҳал қилишда прагматик ва истикболли ёндашувни намоиш этди. Хусусан, минтақавий ҳамкорлик ва иқлим ўзгаришининг муқаррар оқибатларига мослашишга алоҳида эътибор қаратилиши диққатга сазовор.

Иқлимшуносларнинг маълумотига кўра, ер сайёрасида умумий ҳароратнинг кўтарилиши атроф-муҳитнинг, ай-

ниқса, атмосфера ҳавосининг зарарланганини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Чунки атмосфера ҳавоси таркибида қатор зарарли моддалар микдорининг кўпайиши нафақат ҳароратнинг, балки сайёрамизнинг барча минтақаларининг иқлими ўзгаришига олиб келмоқда.

Форумда Марказий Осиё ва дунё дуч келаётган долзарб иқлим муаммолари муҳокама қилиниб, “Яшил тараққиёт” концепцияси тақдироти бўлиб ўтди ва ушбу концепцияни Бразилияда бўлиб ўтадиган COP30 доирасида тасдиқлаш учун тегишли чоралар кўришга келишилди.

Ушбу концепциянинг амалга оширилиши Марказий Осиёнинг глобал барқарор иқтисодий жараёнларга интеграциялашувига кўмаклашади ҳамда XXI асрнинг экологик ва иқлим таҳдидлари шароитида минтақанинг уйғун ривожланишини таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан, стратегик ҳужжат ҳисобланган ушбу концепция минтақани барқарор ривожлантириш бўйича ягона қарашни шакллантириш, кенг қамровли экологик чора-тадбирларни жорий этиш, шунингдек, экология ва “яшил” иқтисодиёт соҳасида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадига қаратилгани билан қувонарлидир.

Президентимиз ўз нутқида иқтисодиётни ривожлантиришнинг ресурсларни тежайдиган ва экологик тоза моделига ўтиш масаласига ҳам эътибор қаратди. Бу соҳадаги асосий йўналишлардан бири эса «яшил» энергетикадир.

Келгуси беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилгани шубҳасиз, иссиқхона газлари чиқиндилари ҳажмини қарийб 16 миллион тоннага камайтириш имконини беради.

Умуман олганда, ушбу форум ва унинг яқунлари бўйича эришилган натижалар мамлакатимиз балки минтақа давлатларининг экологик хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, глобал тусдаги экологик муаммоларни бартараф этиш, иқлим ўзгаришларини олдини олишга хизмат қилади.

**Гулчеҳра Жўраева,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Чўлланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенциясининг (UNCCD) яхши ният элчиси, малилик қўшиқчи ва фаол Инна Моджа ташриф буюрди. Мақсад Орол фожиаси, маҳаллий аҳоли ҳаёти ва чўлланишга қарши курашда аёлларнинг ролига бағишланган ҳужжатли фильм суратга олиш эди.**

фильми халқаро кинофестивалларда эътироф этилди ва нуфузли мукофотларга сазовор бўлди.

Инна Моджанинг Қорақалпоғистонга ташрифи халқаро ҳам-

— Сув ва саломатлик тўғрисидаги Протокол доирасида санитария ва соғлиқни сақлаш, сув хўжалигидаги вазиятни таҳлил қилиш;

— Сирдарё ҳавзасида фавқулодда вазиятларни бартараф этишнинг биргаликдаги режаси учун асос;

— ИГнинг 2025-йилнинг иккинчи ярми учун иш режаси ва лойиҳани амалга оширишнинг асосий йўналишлари.

Учта сессия давомида иштирок-

рат “ҳалқа” ҳосил бўлди. Маълумотлар куннинг қисми, мавсум ва метеорологик шароитга қараб ифлослантирувчи моддалар концентрациясининг умумий ҳолати ва тенденцияларини баҳолашга имкон беради.

Шунингдек, “ҳалқа” бўйлаб мониторинг тизими шаҳарнинг қайси ҳудудлари зарарли моддалардан кўпроқ таъсирланиши мумкинлигини прогноз қилиш имконини яратади. Автоматик станциялардан олинган маълумотларни таҳлил қилиш шаҳарсозлик тадбирларини режалаштириш, районлаштириш ва экологик вазиятни яхшилаш стратегиясини ишлаб чиқиш учун муҳим ҳисобланади.

Маълумот учун, лойиҳа бошланганидан буён Ўзбекистонда 23 та автоматик ҳаво мониторинги станциялари ўрнатилди ва бу станциялар [monitoring.meteo.uz](http://monitoring.meteo.uz) миллий платформасининг ягона маълумотлар базасига уланди.



## ОРОЛ ҲАҚИДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

Ташриф Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Иқлим ўзгариши миллий маркази ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирликлари кўмагида ташкил этилди.

Инна Моджа Мўйноқдаги экологик офат рамзига айланган кема қабристонига ташриф буюрди. Шунингдек, у маҳаллий аёллар билан учрашиб, уларнинг чўлланишга қарши кураш ва ўзгарувчан экологик шароитларга мослашишга қўшган ҳиссасини муҳокама қилди. Бундан ташқари, хонанда Нукус шаҳридаги И. В. Савицкий номидаги музейнинг ноёб санъат коллекцияси билан машҳур бўлган кўрғазмаси билан ҳам танишди.

Эслатиб ўтамиз, 2023-йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида БМТнинг чўлланишга қарши кураш бўйича конвенцияси ижросини кўриб чиқиш қўмитасининг 21-сессияси бўлиб ўтди. Унда 196 мамлакатдан 500 нафарга яқин делегатлар, жумладан, фуқаролик жамияти ва илмий доиралар вакиллари илк бор Марказий Осиёда ер деградациясининг олдини олиш бўйича глобал мақсадлар сари олға силжиш, қум ва чанг бўронларига қарши кураш чораларини муҳокама қилиш учун йиғилди.

2023-йилда UNCCDнинг яхши ният элчиси этиб тайинланган Инна Моджа чўлланишга қарши кураш ва аёлларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш бўйича ташаббусларни фаол илгари сурмоқда. 2024-йилда у ҳамкасби, яхши ният элчиси, мусиқачи Рики Кедж билан ҳамкорликда бутун дунё бўйлаб аёллар учун ер ҳуқуқларини таъминлаш бўйича UNCCD кампаниясини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Her Land” кўшигини чиқарди.

Инна Моджанинг иқлим ўзгариши ва унинг ижтимоий химояга муҳтож жамиятларга таъсирига бағишланган биринчи ҳужжатли

корликнинг муҳимлиги ва минтақанинг экологик муаммоларига эътибор қаратилаётганлиги, шунингдек, барқарор ривожланиш ва чўлланишга қарши курашда аёлларнинг роли муҳим эканлигини яна бир бор таъкидлайди.

### Иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлигини ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди

Тошкентда Ўзбекистонда сув ифлосланишининг олдини олиш ва саноат чиқиндиларини сақлаш жойлари хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳнинг (ИГ) иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Экология вазирлиги ва бошқа давлат идоралари, халқаро ташкилотлар, илмий жамоатчилик, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти вакиллари иштирок этди.

Маълумот учун, (ИГ) ўтган йилнинг июл ойида “Ўзбекистонда сув таъминоти, канализация ва сув ресурсларини иқлим ўзгариши шароитида фавқулодда ифлосланишдан химоя қилиш соҳасидаги фаолиятни кучайтириш” лойиҳаси доирасида ташкил этилган. Лойиҳа Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан БМТ YeIK кўмагида ҳамда Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги (SDC) маблағи ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Иккинчи йиғилишнинг асосий мақсади қуйидагиларни муҳокама қилиш ва тасдиқлаш эди:

— Ўзбекистоннинг БМТ YeIKнинг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар тўғрисидаги конвенциясига қўшилиши тўғрисидаги қонун лойиҳасининг йўл харитаси ва концепцияси;

чилар саноат хавфсизлиги бўйича миллий ташаббусларни амалга оширишдаги тараққиётни муҳокама қилдилар, иқлим ўзгаришининг сув ресурслари ва саноат чиқиндиларини сақлаш объектларига таъсирини кўриб чиқдилар, агентликлар ўртасида тажриба алмашиш ва лойиҳаларни бошқариш бўйича кейинги қадамлар ҳақида келишиб олдилар.

Сирдарё ҳавзасида фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси лойиҳаси бўйича келишув, шунингдек, иштирокчилар ўртасида тармоқларо ҳамкорликни мустаҳкамлаш тадбирининг муҳим натижаларидан бири бўлди.

Тадбир Ўзбекистоннинг иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлигининг янада барқарор тизими сари олға силжишида муҳим қадам бўлиб хизман қилди. ИГ нинг навбатдаги йиғилиши 2025-йилнинг иккинчи ярмида бўлиб ўтиши режалаштирилган.

### Ҳаво мониторинги

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Гидрометеорология хизмати агентлиги ва “Замин” халқаро жамоат фонди томонидан Тошкент шаҳридаги Сергели ва Учтепа туманларида ҳаво мониторинги автоматик станциялари ишга туширилди.

Бу “Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши мониторингини автоматлаштириш” қўшма лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Натижада шаҳар атрофида атмосфера ҳавоси сифатини комплекс кузатишга хизмат қиладиган ҳаво мониторинги станцияларидан иб-

### Форумда қандай натижаларга эришилди?

4–5-апрель кунлари Ўзбекистон яна бир муҳим халқаро тадбир — Самарқанд Иқлим Форумига мезбонлик қилди.

Мазкур форум Марказий Осиё тарихидаги иқлим масаласига бағишланган илк тарихий воқеликка айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг уч нафар ўринбосари, БМТнинг экология йўналишидаги ташкилотлари, конвенциялари раҳбарлари, бир қанча давлатлар, халқаро ташкилотлар ва агентликларнинг (UNCCD, FAO, UNIDO, UNECE, ICBA ва ҳоказо) 30 дан ортиқ экология соҳасига масъул вазирлари, етакчилари ҳамда бошқа кўплаб хорижлик мутахассисларнинг иштироки Форумнинг нуфузини янада оширди.

Форумда Яшил ривожланиш концепцияси тақдироти бўлиб ўтди ва ушбу концепцияни Бразилияда бўлиб ўтадиган COP 30 доирасида тасдиқлаш учун тегишли чоралар кўришга келишилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон 2023 йилда COP28да расман ишга туширилган саноат декарбонизацияси ва глобал даражада жамоавий ҳаракатни кучайтириш бўйича тажриба алмашиш учун платформа бўлиб хизмат қилувчи, юқори иқлим амбицияларига эга 43 мамлакатнинг ихтиёрий коалицияси ҳисобланган “Climate Club” га аъзо бўлди.

Маълумот учун, “Climate Club” фаолияти учта асосий йўналишни қамраб олади: ташламаларни камайтириш бўйича шаффоф

(Боши 5-саҳифада)

сиёсатни амалга ошириш, саноатни ўзгартириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш. Ташкилотнинг асосий мақсади Париж келишувини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ва глобал соф “нол чиқинди”га эришиш учун иқлим бўйича ҳаракатларни тезлаштиришдир.

Шунингдек, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлимга қарши кураш ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Англашув Меморандуми имзоланди. Мазкур Меморандум Ўзбекистон ва Марказий Осиёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлимга қарши курашиш, табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш ва уларни бошқариш соҳасида аниқ ҳаракатлар ва тадбирларни амалга оширишда ҳамкорликни давом эттиришга хизмат қилади. Мақсад Ўзбекистоннинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан барқарор, иқлим шароитига чидамли ва эмиссияси кам бўлган ривожланишига ҳисса қўшиш ва турли халқаро конвенциялар, шартномалар шартларини бажаришда қўллаб-қувватлашдир.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ва Қирғиз Республикаси Табиий ресурслар, экология ва техник назорат вазирлиги ўртасида Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетида (“Green University”) кадрлар тайёрлаш учун квота ажратиш тўғрисида Меморандум имзоланди. Унга кўра, Қирғиз Республикаси талабаларига 9 тагача квота ўринлари ажратилади (бакалаврият таълим йўналишлари учун 5 тагача, магистратура таълим йўналишлари учун 4 тагача). Меморандумдан мақсад минтақавий ҳамкорлик ва барқарор ривожланиш, атроф-муҳитни ўрганиш ва иқлим ўзгариши соҳасида салоҳиятли кадрлар сонини оширишдан иборат.

Бундан ташқари, БМТ Болалар жамғармасининг (UNICEF) Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида стратегик ҳамкорлик бўйича ўзаро Англашув Меморандумига имзо чекилди. Унга кўра, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва салбий оқибатлари таъсирини юмшатиш, табиий офатлар хавфини камайтириш ва болалар учун муҳим хизматларнинг инклюзив, барқарор ва экологик хавфларга тайёр бўлишини таъминлаш йўли билан болалар ва ёшларнинг чидамлилигини мустаҳкамлаш соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожлантирилади. Шунингдек, долзарб экологик масалаларда болаларнинг иштироки кенгайтирилади ва уларнинг саломатлигини таъминлаш устувор вазифага айлантирилади.

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги**  
**Ахборот хизмати**

## Коррупцияга йўл йўқ

**Коррупция – жамиятда адолат, ҳалоллик ва ишонч тамойилларини издан чиқарувчи энг хавфли иллатлардан биридир. У Давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва фуқаролик жамиятининг барча соҳаларига салбий таъсир кўрсатади.**



# ҲАЛОЛЛИК Фойда бермайди...ми?

Коррупция нафақат иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қилади, балки фуқароларнинг давлат идораларига бўлган ишончини камайтиради. Давлат бюджетига катта зарар етказиши, инвестицион муҳитни бузади, кичик ва ўрта бизнес ривожига тўсқинлик қилади. Энг ёмони, у жамиятда ижтимоий тенгсизликни кучайтиради ва ёшлар онгида «ҳалоллик фойда бермайди» деган нотўғри тушунчани шакллантиради.

Шу боис бугун мамлакатимизда ушбу иллатни батамо йўқ қилиш мақсадида Президентимиз раҳнамолигида қатъий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Коррупцияга қарши курашишнинг бир неча йўллари ишлаб чиқилиб, қуйидагилар энг асосийлари этиб белгиланган:

Очиқлик ва шаффофлик – давлат идоралари фаолиятини очиқ ва ошқора олиб бориши, бюджет маблағлари сарфи ҳақида жамоатчиликка мунтазам ахборот берилиши лозим.

Рақамлаштириш – хизматларнинг электрон шаклга ўтказилиши инсон омилини камайтиради ва коррупцион вазиятларнинг олдини олади.

Таълим ва тарғибот – мактаб ва олий ўқув юртларида ҳалоллик, ватанпарварлик ва фуқаролик масъулияти бўйича таълим бериш, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишларини кучайтириш.

Жамоатчилик назорати – фуқаролар ва нодавлат ташкилотлари коррупцияга қарши курашда фаол иштирок этиши.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашиш – бу фақат давлатнинг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Агар ҳар биримиз ҳалоллик ва покликни асосий қадрият, деб билсак, жамиятда соғлом муҳит шаклланади. Бу эса барқарор тараққиёт ва адолатли келажак сари муҳим қадам бўлади.

**Назарбек РАҲИМОВ,**  
**Қарши ҳарбий прокуратураси**  
**катта терговчиси**

## Инсон ўзинг...

Узоқ йўл ва елкасидаги юк таъсирида ҳориб, сал ҳансираб ҳовлисига кириб келиб, қопни авайлаб чорпоянинг четига қўяркан, “Чарчамадингизми, дадаси?”, деб қаршилаган хотинига қараб жилмайди:

– Отанг бозор, онанг бозор, деб бекорга айтишмаганда, онаси. Ҳамма нарса тўкин-сочин, сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Замонамиздан ўргилай, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор-а бозорда.

Ўзиям гуручни зўридан, яна деҳқоннинг ўзидан, биринчи қўлдан, ўзимизга ўхшаган одамдан олдим. Оғирроқ қилиб тортиб берди, барака топсин. Би-ир ош дамлайсан-да, энди.

Хотиннинг чехрасига ҳам табассум югурди.

...Қиссадан ҳисса шуки, кўпинча фикрларимиз бошқаларга, ташки омилларга боғлиқ ҳолда эмас, елкамиздаги юкнинг таъсирида, ўзимизнинг ҳолатимиз ва ўй-хаёлларимизга қараб ўзгаради.

Шунинг учун ҳам у ёки бу нарса ҳақида хулоса чиқаришда шонилмаганимиз маъқул.

**Ҳабиб СИДДИК**



# ЮК

Бир одам бозордан ярим қоп гуруч олиб, орқалаб йўлга тушибди. Бозор дарвозасидан чиқаётган юки анча енгил туюлиб, хаёл сура бошлабди: “одамларда инсоф қолмади, тарозидан уриб қолди шекилли, ярамас. Ўзи кўзлари ўйнаб, куйдирган калладай тиржайиб турганди-я... Ўзим ҳам сал хушёр бўлиб, бошқасидан олсам бўлмасми-я...”

Сал фурсат юргач юкни оғирлиги бироз сезила бошлагач, “йўғ-э, жа-а унчалик эмас шекилли, – деб фикрлай бошлабди ўзича, – тўғри тортган бўлса керак. Ўзиям ёмон

одамга ўхшамай турувди, соддагина бўли-иб.”

Уйигача масофа анчагина бўлгани боис йўл-йўлакай фикрлар ҳам ўзгариб бораверибди. “Ҳа-а, тарозидан урмагани аниқ. Савол-жавоби борлигини билади, ахир. Бозоримиз ҳам хўп файзли, одамларимиз ҳам инсофли-да.”

Яна бироз одимлагач андак чарчоқ сезилибди-ю ўйлари яна чувалашибди: “Деҳқонига учрадим-да ўзиям. Баракали қилиб, оғирроқ тортиб берибдиёв. Жилмайиб туришим, бирам ўзига ярашиб турувди-да. Яхши одамлар кўп-да.”



# КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, касб эгаллашлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Албатта, бунинг ўзига хос тарихий илдиэлари бор. Қадим-қадимдан Шарқ мамлакатларида илм ва ҳунар эгаллашга астойдил ҳаракат қилинган. Фарзандини болалигидан ақл-заковатли, қобилиятли бўлиб ўсиши учун барча имкониятларни яратиб берган.



Биргина улуг Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини ўқир экансиз, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, асарда инсон боласининг кичиклигидан бошлаб илм ўрганишга интилишини, ҳунар эгаси бўлиш учун ўқиш, изланиш, билимларни мукамал эгаллаш муҳимлигини Фарҳод мисолида жуда таъсирли ифодалаган. Фарҳоднинг Қорандан тош йўнишни, Монийдан сурат чизишни, Бонийдан бино қуришни ўрганганлигини Навоий ибрат қилиб кўрсата олган.

Агар биз буни бугунги кунимизга, ҳозирги даврга таққослайдиган бўлсак, шубҳасиз айтиш мумкинки, ёшларни касбий таълимга ўргатиш ишлари айна авж олган. Таълим соҳаси мутасаддилари олдида долзарб, муҳим вазифалар қўйилмоқда. Ҳозирда профессионал таълимда дуал таълим шаклини амалда қўллаш орқали қатор ижобий натижаларга эришилаётганлиги бор гап. Бундай ўқитиш тизимида имкон қадар ишлаб чиқариш эҳтиёжларига яқинлашади, битирувчиларнинг бандлиги кафолатланиб, таълим сифатини оширишга эришилади. Бунинг натижасида таълим муассасасининг рейтинги ҳам ошиб боради. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш долзарблиги янги босқичга чиқди. Яъники, техникум ва касб-ҳунар мак-

табларининг ташкил этилиши, ўрта-маҳсус ўқув юртларига, алоҳида эътибор билан ёндашилаётганлиги профессионалтаълимни янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири деб қаралмоғи керак.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир нутқи ва чиқишларида таълимга алоҳида эътибор билан ёндашиш зарурлиги таъкидлаб ўтилади. Кун кеча бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам асосий эътибор мамлакатимизда туризмни жадал ривожлантиришга, ушбу йўналиш бўйича кадрлар тайёрлашга, хорижий тилларни мукамал ўрганишга даъват этувчи муҳим вазифаларни айтиб ўтдилар. Айниқса, касб таълимга йўналтирувчи ўқув юртларида талаба-ёшларнинг уч кунли ўқув машғулотида бўлса, қолган уч кунли ишлаб чиқариш амалиётида бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бундай даъватлар мамлакатимиздаги барча техникумларда замон талабига мос тарзда татбиқ этиб борилса, мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда ўзимнинг айрим таклиф ва мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчи эдим. Таклиф шуки, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда боланинг хоҳиш-истагини, қизиқиш ва қобилиятини, орзу-истакларини албатта ҳисобга олиш керак. Бу борада эса, энг аввало, ўқувчининг ота-оналари касбий таълим ўқитувчилари ва

психолог мутахассислар билан келишган ҳолда, унга имкон бериб, ўзи ёқтирган, қизиққан касб сари йўналтирсалар, айна муддао бўлар эди.

Буни мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтаяман. Чунки, баъзи ҳолларда ота-оналар замонавий касблар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмагач ўз фарзандининг хоҳиш ва истакларига, орзу-интилишларига тўқинлик қилиш ҳолатлари юзага келади. Бу борада йўл қўйилган ҳар бир қадам ўқувчининг истиқболига, камолотига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Буни асло ёддан чиқармаслик керак.

Яна бир гап, ҳозирда юртимизда хорижий инвесторлар тобора кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олиб рус ва инглиз тилларини, қолаверса, бошқа хорижий тилларни янада мукамалроқ эгаллаб боришлари учун касбий таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитишга ажратилаётган дарс соатларини янада кўпайтириш керак деб ўйлайман. Бундан қутилган асосий мақсад эса бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини тубдан яхшилаш, юқори малакали, сифатли кадрлар етказиб беришни таъминлашдан иборатдир. Зеро, юксалиб бораётган Янги Ўзбекистонимиз учун билимли, зукко ва малакали мутахассислар доимо зарур бўлиб бораверади.

Энг муҳими, ёшларнинг касбий малакани пухта эгаллашларида сифатли таълим ва қулай шарт-шароитнинг яратиб берилиши энг муҳим омиллардан биридир. Айна дамда эса биз яратиб берилаётган имкониятлардан самарали ва унумли фойдаланишимиз зарур.

**Жаҳонгир ДУШАБАЕВ,**  
**Бекобод шаҳар**  
**политехникумининг ўқув ишлари**  
**бўйича директор ўринбосари,**  
**Халқ депутатлари**  
**Бекобод шаҳар Кенгаши депутати**

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология,  
атроф-муҳитни  
муҳофаза  
қилиш ва иқлим  
ўзгариши  
вазирлиги  
нашри

Муассис:

«Жамият  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси» МЧЖ

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ  
Акмал САИДОВ  
Ақтам ҲАЙИТОВ  
Қамолитдин  
ИШАНХОДЖАЕВ  
Даврон ВАҲОБОВ  
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир  
Мақсуд  
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-410  
Адади: 1600

Пайшанба кун чикади.

Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табок.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Жамият»

ижтимоий-сиёсий газетаси

2024 йил 2 августда

Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги

Ахборот ва оммавий

коммуникациялар агентлиги

томонидан 0010-рақам билан

рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7722

Маълумот учун

телефонлар:

99-994-70-52

98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:

jamiyat@umail.uz

Газета индекси – 131

“ЖАМИЯТ” дан олинган

маълумотларда манба

сифатида газета номи

кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6



# МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ МУҲОФИЗИ

**Миллий маънавиятимиз халқимиз тарихий, маданий ва маънавий қадриятларини мужассамлаштирувчи улкан бойлик сифатида қадрланади. Бу бойликнинг асосий манбаи кенг қамровли бўлиб, тарихи, моддий ва номоддий мероси ва бошқа кўпгина кўрсаткичлар билан белгиланади. Шундай кўрсаткичлардан бири асрлар давомида тадрижий ривожланиб, сайқал топиб келган, улкан мерос билан бойиган халқ оғзаки ижодиёти намуналари билан эканлиги ҳаммамизга маълум.**



Фольклор ўзбек халқининг ҳаёти, урф-одатлари, анъаналари, тарихи ва дунёқарашини ўзида мужассамлаштиради. У нафақат маданий мерос, балки маънавий кўлланма, халқ ҳаётининг тарбиявий ва руҳий омили сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари дунё ҳамжамиятидаги соҳа муттаҳасислари баҳосига кўра ниҳоятда бой манбага эга бўлиб, бундай ноёб номоддий маънавий мерос ҳар бар халқда ҳам сақланиб қолган эмас. Бундай манбаларнинг асраб авайлаб келиниши, келажак авлодга етказилиши ҳар бир миллатимиз вакилининг инсонийлик бурчи саналади.

Қадим тарихдан бундай номоддий мерос намуналарининг бизгача етиб келишида узокни кўра билувчи донишманд аждодларимизнинг улкан машаққатли меҳнатлари туфайли амалга оширилган. XX асрнинг бошларида миллатимиз равнақи учун курашган ватанпарвар, фидойи жадидчилар ҳаракатининг ҳам асосий ғояси миллий қадриятларимизни аждодлардан авлодларга ибратли ҳолатда етказишдан иборат бўлганлиги барчамизга маълум.

Миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизнинг ажралмас қисми саналган халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш ва келажак авлодга қолдиришда Фитрат, Элбек, Бехбудий, Ғози Олим Юнусов, Ғулом Зафарий ва бошқа жадидчилар ҳаракатининг асосий мақсади ҳам шундан иборат бўлганлигига тарихимиз гувоҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижоди фанига тамал тошини қўйган Ходи Зарифовнинг давомчилари сифатида фаолият олиб борган Тўра Мирзаев, Буёқ Каримий, Музаёна Алавия, Мансур Афзалов, Зубайда Хусаиновалар каби миллий қадриятларимиз фидойилари салмоқли илмий мерос қолдирдилар. Фольклоршунослик илмини янги босқичга кўтариш борасида улардан кейинги авлод М.Муродов, Ғ.Жаҳонгиров, К.Имомов, О.Мадаев, Б.Саримсоқов, М.Жўраев, Ш.Турдимов каби миллатимиз ўғлонлари авлоддан авлодга мавжуд меросни асраб-авайлаш, етказиш, тўлдириш, борасида турли даврларда, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳолатларда жонбозлик кўрсатган-

ликлари ҳақида узок ва давомли фикр юритсак бўлади.

Шундай миллий қадриятлар давомчиси сифатида фаолият олиб борадиган, донишманд аждодларимиз меъросини янада бойитиб, уни келажак аждодларга мерос сифатида етказиш борасида ҳам илмий, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ва албатта халқаро миқёсда бойитишда амалий ишлар тадқиқотчиси Жаббор Эшонкуловнинг хизматлари бекиёс.

Жаббор Эшонкулов ўзбек фольклоршунослигида алоҳида ўрин тутувчи, халқ оғзаки ижодиётини илмий жиҳатдан ўрганишга бекиёс ҳисса қўшган йирик олимлардан бири саналади. Унинг илмий изланишлари миллий маданият, тарих ва маънавий меросни сақлаб қолиш ва кенг оммага етказишда муҳим аҳамиятга эга. У фольклоршуносликка замонавий илмий методологияни жорий этиш ва ўзбек фольклори бойликларини халқаро даражада танитишда муҳим рол ўйнаган.

Олимнинг “Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асо-

тайдирланаётганлиги, унинг 40 томи нашр этилганлиги, ва қолган томларини нашрга тайёрланаётганлиги қатор олимлар қаторида мақоламиз қахрамонининг ҳам меҳнатлари бекиёс

Ҳар бир фаннинг тараққиётида халқаро ҳамкорлик муҳим ўрин тутуди. Жаббор Эшонкулов ўзининг илмий ва тадқиқотчилик фаолияти давомида фольклоршунослик соҳасида халқаро даражадаги илмий алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшган тадқиқотчилардан бири ҳисобланади. Унинг халқаро миқёсдаги фаолияти нафақат ўзбек фольклоршунослиги, балки жаҳон фольклор илмининг ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Тадқиқотларида Туркия, Озарбайжон, Жанубий Корея, Россия ва бошқа турли мамлакатлардаги фольклоршунос олимлар билан

ва таҳлиллий мақолалари халқаро тадқиқотчилар томонидан ҳам муҳим деб топиб келган.

Жаббор Эшонкуловнинг фольклоршуносликдаги халқаро ҳамкорлик ишлари нафақат ўзбек фольклоршунослиги учун, балки жаҳон маданий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг халқаро ҳамкорлик доирасидаги тадқиқотлари фольклоршуносликнинг янги йўналишларини очиб берди ва келажакдаги илмий изланишлар учун мустаҳкам асос яратди.

Жамоат ишларидаги фаоллиги билан нафақат ўзбек маданиятига, балки жамиятнинг маънавий ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Унинг фаолияти ёшларни миллий маданият ва фольклорга қизиқтириш, илмий ва маърифий тадбирларни ташкил этиш, жамоатчиликни халқ оғзаки ижодига бўлган ҳурматини оширишга йўналтирилган. Шу боис, унинг жамоатчиликдаги хизматлари миллий маданиятимиз тарихида муҳим ўрин тутуди.

Олим ўз илмий фаолияти давомида халқнинг маънавий ва маданий ривожига учун керакли билимларни йиғишга, ижтимоий ўзгаришларга интилган.

Миллий фольклор халқнинг маънавий қиёфаси, маданияти ва ўзлигининг муҳим ифодаси саналади. Фольклоршунос олимлар эса бу бойликни ўрганиб, уни авлодларга етказувчи, илмий асосда муҳофаза қилувчи шарафли вазифани бажарадилар.

Ўзбек адабиёти ва фольклоршунослигида ўзининг бетакрор ўрнига эга олим Жаббор Эшонкулов бугун 60 ёшини нишонламоқда. Бу сана нафақат унинг шахсий ҳаёти, балки миллий маданиятимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга. Олимнинг халқ оғзаки ижодиётини ўрганишдаги саъй-ҳаракатлари ва илмий изланишлари фольклоршунослик соҳасида янги уфқлар очгани, шубҳасиз.

Олимнинг шогирдлари ва илмий ҳамкасблари унинг фаолиятини халқ фольклори маданиятини сақлашдаги муҳим ҳисса сифатида баҳолайдилар.

Жаббор Эшонкуловнинг илмий ишлари фақат фольклоршуносликда эмас, балки миллий маданият ва маънавиятни шакллантиришда ҳам катта аҳамиятга эга. У халқ оғзаки ижодиётини ўрганиш орқали миллий ўзликни англаш ва миллий гурурни тарғиб қилишда салмоқли ҳиссага эга.

**Улуғбек САТТОРОВ,**  
филология фанлари доктори,  
Тошкент амалий фанлар  
университети профессори

**Ҳар бир фаннинг тараққиётида халқаро ҳамкорлик муҳим ўрин тутуди. Жаббор Эшонкулов ўзининг илмий ва тадқиқотчилик фаолияти давомида фольклоршунослик соҳасида халқаро даражадаги илмий алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшган тадқиқотчилардан бири ҳисобланади. Унинг халқаро миқёсдаги фаолияти нафақат ўзбек фольклоршунослиги, балки жаҳон фольклор илмининг ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.**

слари ва бадиий талқини”, “Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини” монографиялари, “Асрларга тенгдош кўшиқлар”, “Фольклор: образ ва талқин”, “Миф ва бадиий тафаккур”, “Эпик тафаккур тадрижи” ва бошқа кўплаб илмий китоблари, мингдан ортиқ турли нашрларда чоп этилган илмий, ижтимоий мавзулардаги чиқишлари унинг кенг қамровли шахс эканлигини намоён этади.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг 100 томлигини нашрга

ҳамкорлиги ўзбек фольклоршунослигини жаҳонга танитиш борасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари таҳсинга сазовор. Бу ҳамкорлик жараёнида Туркий халқлар фольклоридаги умумийлик ва фарқли жиҳатлари, халқ дostonларининг қиёсий таҳлиллари, Мифология ва қадимий афсона ва ривоятларнинг тарихий тадрижи каби илмий муаммолар ечимига қаратилган ишлар ўрин олган. Олимнинг фольклоршуносликка оид илмий ишлари